# давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир»

## қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

миздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вадим Менков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов, Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осиё ўйинларида олтин медал соҳиби бўлдилар.

Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди. Бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси деб тан олинди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасининг 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Футбол бўйича Осиё чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини кўрсатишига ишонамиз.

Аргентинада бўлиб ўтган ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи маротаба чемпион унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳақиқий жасорат ва фидоийлик кўрсатиб, ўзларининг метин иродасини намойиш этди.

Шулар ҳақида гапирар эканман, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, катта ғурур ва ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилашга рухсат бергайсиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг яна бир устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир муҳим масалани қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кескин рақобат шароитида **инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.**

Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Яқинда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир йўналиши хусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган **оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида** қисқача тўхталмоқчиман.

Айнан оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси аввало оилада пайдо бўлади, инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Шу сабабли жорий йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дастур доирасида ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

Табиийки, бу борада «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган кўплаб тадбирларнинг ташаббускори нодавлат, жамоат ташкилотлар бўлгани айниқса эътиборга сазовордир.

Бундай ижобий ҳолат юртимизда фуқаролик жамиятини бунёд этиш борасида эришаётган ютуқларимизнинг амалий намоёни бўлиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

«Баркамол авлод йили» дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан жорий йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нечоғлик улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик тузилмаларига, хорижий жамғармалар ва халқаро ташкилотларга, шу залда ўтирган чет эл мамлакатларининг элчи ва вакилларига, шу улуғ мақсад йўлида ўзини аямасдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2011 йилга қандай ном бериш ҳақида фикрлашиб олишимиз керак.

Бу масалада амалий бир қарорга келиш, яъни янги йилга ўз олдимизга қўйган ягона мақсад йўлида барчамизни бирлаштирадиган аниқ ном беришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари бўладими – буларни барчасининг куч-имконият ва маблағларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафарбар этиш, бир ёқадан бош чиқариб мавжуд муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишда ушбу масала қандай катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бунинг тасдиғини биз ўз ҳаётий тажрибамизда, яъни 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган **ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб,** шу асосда қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва хулосаларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз аввалambор хусусий тадбиркорликни ўзимизга тасаввур қиламиз. Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Мен бу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **«Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир»,** деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо, қандай ном билан аталмасин — унинг отини савдогар ёки дўкондор дейдими, ҳунарманд уста ёки касаначи дейдими, каттакичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қонқонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболаға бўлмайди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, биринчи навбатда Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкий муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўпукладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, аввалambор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.

Шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этишни зарур деб биламан.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали **биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.**

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам — яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. **Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.**

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожи учун қулай тадбиркорлик муҳити яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтириш кифоя, деб ўйлайман.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг мантиқий самарасидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, агарки юртимизда шу соҳага ўз вақтида катта эътибор қаратиб, унинг ривожи учун ҳар томонлама йўл очиб бермаганимизда бугун бизнинг куч-қувватга тўлган ёшларимиз бошқаларга ўхшаб қаёққа иш излаб борарди, кимларга муҳтож ва қарам бўлиб кун кўрар эди?

Шу ҳақида ўйлаш, бунинг олдини олиш давлат ҳокимияти идораларининг асосий бурчидир.

Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам юқорида зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида **қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

Биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғовтўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Албатта, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолмоқда ва ишимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. **Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келди.**

Навбатдаги устувор йўналиш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки, охирги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас.

Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир.

Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар туғдирмоқда.

Шу борада кириб келаётган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб ўйлайман.

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, **илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.**

Айтиш жоизки, мен дастурдан ўрин олиши керак бўлган энг муҳим йўналишларнинг фақат айрим жиҳатлари ҳақида қисқача фикр билдирдим, холос.

Ўз-ўзидан аёнки, дастурни конкрет мазмун билан тўлдириш, ечимини кутиб турган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумат қарори билан бу масала бўйича махсус ишчи комиссияси тузиш ҳамда етакчи мутахассисларимиз, аввалambор тадбиркорларнинг ўзини бу ишга жалб қилиб, ҳар бир йўналишни атрофлича, чуқур ва пухта ишлаб чиқишимиз даркор.

Бу борада мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, кичик бизнес эгалари, фермер ва тадбиркорлар, ҳомийлар, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилигимиз ўз фикрлари ва амалий таклифлари билан фаол иштирок этади, деб ўйлайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, такрор ва такрор айтишни истардим: **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.**

Айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг иш фаолиятимизда, аввалambор, олдимизда турган ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда асосий мезон ва йўлланма бўлишига ишонаман ва барчангизга айни шу мақсад йўлида куч-ғайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

---

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

***4 декабр куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун ҳужжати латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва улар оқибатларининг олдини олиш мақсадида фуқароларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишни рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг жавобгарликдан озод этилишини кафолатлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун валюта қимматликларининг қонунга хилоф айланиши билан боғлиқ бўлган, тергов билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ва қонунга хилоф валюта операциясининг томонларидан бири бўлган фуқароларнинг аризалари асосида аниқланган жиноятларнинг очилишини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябр) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан Спортда допингга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтдилар. ЮНЕСКОнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги стратегияси ва фаолият дастури доирасида ишлаб чиқилган ушбу конвенциянинг мақсади — спортда допинг қўллашнинг олдини олишга ва допингни йўқотиш мақсадида унга қарши курашишга кўмаклашишдан иборат.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция кенг қамровли бўлиб, спорт соғлиқни сақлашда, ахлоқий, маданий ва жисмоний тарбияда, шунингдек, халқаро миқёсда бир-бирини тушуниш ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беришда муҳим рол ўйнаши кераклигини назарда тутади.

Мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мамлакатимиз ҳукуматининг юқоридаги таклифларини маъқуллаш ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини яхшилашга ҳамда ҳудудларни бошқаришни мақбуллаштиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш имконини бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Икки кунлик мажлис давомида 24 масала, шу жумладан 14 қонун кўриб чиқилди, уларнинг амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

Ishonch
2010-yil 8-dekabr № 144-145 (2870)

# Ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судяси Узоқ БОЗОРОВ билан суҳбат

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Конституция қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Президент Ислом Каримов Конституциямизнинг асосий хусусиятларини таърифлар экан, шундай деган эди: «Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик».

Конституциянинг 13-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Конституцияни яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим халқаро ҳужжатларга ҳам асосланилди.

Конституциянинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган. Бу бўлимда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида боблар ва моддаларда мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг X боби эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши масалаларини ўзида ифода этди.

Конституция мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган янгиланишларнинг, демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, халқ манфаати йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси Бош Қомусимизнинг ҳаётийлиги, мукаммаллиги ва демократик моҳиятининг далилидир.

***— Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида Конституциямизнинг бир қанча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар моҳияти, унинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагида нечоғли аҳамиятлилиги ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.***

— Мазкур таклифлар аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши билан боғлиқ бўлиб, давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини кўзлайди.

Хусусан, Республика Президенти томонидан Конституциянинг 98-моддасини янги таҳрирда келтириш таклиф этилди. Ушбу таҳрирга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Президент тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилади.

Бундан ташқари, давлат раҳбари томонидан республика парламентига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқини бериш таклиф этилди. Чунончи, Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Президент номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Айни вақтда мамлакат ҳукуматининг мустақиллигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи мамлакат Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилади. Таклиф этилаётган яна бир муҳим ўзгариш 96-моддага тааллуқлидир. Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳрири таклиф этилди. Унга мувофиқ, мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати Раисининг зиммасига юклатилади. Бунда уч ой мобайнида Республика Президенти сайлови ўтказилиши белгилаб қўйилади.

Шу билан бирга, Конституциянинг бир қатор моддаларига мамлакат парламентининг Бош вазирнинг ҳисоботини тинглаш ҳуқуқи, Бош вазирнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг номзодини республика Президентига тақдим этиш ҳуқуқи, республика Президенти ваколатларидан ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини чиқарилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар таклиф этилди.

Мамлакат Президенти томонидан кўрсатилган ушбу таклифлар, энг аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беришга қаратилган бўлиб, пировардида инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадларига хизмат қилади.

***— Поёнига етиб бораётган йил мамлакатимиз Президенти томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан баркамол авлодни тарбиялашда давлатимиз Конституциясининг ўрни ҳақида гапириб берсангиз.***

— Мамлакатимиз Конституцияси эртанги кунимизнинг ворислари бўлмиш ёшларимизнинг қанотига айланди, уларга чексиз имкониятлар, ҳуқуқлар берди. Булар нималарда намоён бўлади?

Агар Асосий Қонунимиздаги моддалар моҳиятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг барчаси у ёки бу жиҳатдан барча фуқаролар қаторида ёшлар ҳаётидаги турли муносабатларни тартибга солишига гувоҳ бўламиз. Конституциямизда шундай моддалар борки, улар жамиятимизнинг ғайратли кучи бўлмиш ёшларни ҳар томонлама фаол бўлишга, ўз ҳуқуқ ҳамда имкониятларидан самарали фойдаланишга ундайди.

Масалан, Конституциямизнинг 34-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари сафидаги ёшлар иштироки айнан Асосий қонунимиздаги юқоридаги меъёрнинг самарасидир.

Конституциямиздаги сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига доир нормаларда ёшларнинг манфаатлари алоҳида эътиборга олинганлигини таъкидлаш ўринлидир. Масалан, Конституциянинг 117-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. 77-моддага мувофиқ эса, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Конституциямизга ҳамоҳанг равишда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасига мувофиқ, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослик бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судяси бўлиши мумкин.

Маълумки, инсоннинг, айниқса, ёшларнинг ажралмас ҳуқуқи бу билим олишдир. Бугун замонавий мактаб, лицей, коллеж ва университетларда ўқиётган талабалар, ўқувчилар ўзларининг билим олиш ҳуқуқларининг Конституцияда мустаҳкамланганлигини чуқур англашлари зарур. Зеро, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси).

Кўп соҳаларда бўлгани каби тадбиркорлик, бизнесни ривожлантиришда ҳам асосий куч бўлган ёшларга умид боғланмоқда. Ўз навбатида, ёшларимизнинг қонида аждодлардан ўтган ишбилармонлик, тадбиркорликнинг уйғонишида, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар соҳада тадбиркорлик билан фаолият юритишида Конституциямизнинг ўрни беқиёсдир. Эътибор беринг: бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Умуман олганда, фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро умум эътироф этилган қоидаларга ҳамда миллий давлатчилигимиз анъаналарига мос тарзда баён этилган, кафолатланган. Ҳамма гап ёшларга, улардан самарали фойдаланиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишларига ҳамда буюк келажакнинг муносиб ворислари бўла олишларига боғлиқдир.

**«Ishonch» мухбири**
**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ**
**суҳбатлашди**

# Халқ иродасининг ифодаси

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳар бир фуқаро ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш, муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартиш, ҳар ҳафталик дам олиш, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқига эгадир.

Конституциянинг 59-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир», деб кўрсатилган. Мазкур конституциявий норма ижросини таъминлаш касаба уюшмалари ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга асосан, касаба уюшмалари фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимлар тузиш, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш, маъмурият томонидан жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш, маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасидаги низоларни қараб чиқиш ва ҳал этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳолининг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратиш, меҳнат шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш борасида белгиланган режа асосида тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини минималлаштириш, инқирозга қарши кураш дастури ижросини таъминлаш мақсадида хотин-қизларни иш билан таъминловчи тикувчилик цехи, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилиш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 20 миллион сўм маблағ эвазига Мўйноқ туманида «Орол орувлари» корхонаси ташкил қилиниб, 24 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маблағи ҳисобига Элликқалъа туманидаги «Сарибий» санаторийсида, Тўрткўл туманидаги «Лочин» дам олиш маркази қошида чорвачилик билан шуғулланувчи ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиниб, янги иш ўринлари очилишига эришилди.

Меҳнат бозоридаги жараёнлардан келиб чиқиб, касаба уюшмалари фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан муҳофазаланишга бўлган конституцион ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 218 корхонада 3029 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қопланди. Шунингдек, 67 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ҳамда уй-жой қурилиши учун 62 корхонада 50544,8 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 224 нафар ёш оналарга 8846,3 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 131 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътили узайтирилиб, ушбу мақсадга 4326,9 минг сўм сарфланди. 34 корхонада олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 41 нафар талабанинг шартнома пулларининг бир қисми қопланди. Бундан ташқари, бир қатор тармоқ касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган иқтидорли талабалар учун махсус стипендиялар таъсис қилинди.

Ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш ишларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Йилнинг ўтган даврида 116 нафар ходим қайта ўқитилиб, ушбу мақсад учун 1740 минг сўм сарфланди.

Умуман, биз ҳар бир аъзо ўз конституцион ҳуқуқлари ҳимояланганлигини ҳар лаҳзада ҳис этиб яшаши учун бор имкониятлардан фойдаланмоқдамиз. Бундан кейин ҳам ваколатимиздан келиб чиққан ҳолда чоралар кўришда давом этамиз.

**Соғиндиқ НИЕТУЛЛАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор**

# Концепция — ёш олимлар нигоҳида

Анжуман



***ЎзРФАда академия Ёш олимлар кенгаши, бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ёшлар нигоҳида» мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.***

Анжуманни ЎзФА президенти, сенатор Ш.Салихов кириш сўзи билан очди. Конференцияда Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари М.Ражабованинг «Демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари», Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари И.Саифназаровнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат бошқарув тизимини демократлаштириш», Конституциявий суд раиси ўринбосари Б.Мирбобоевнинг «Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида конституциявий суд ишлари юритилишининг такомиллаштирилиши», Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи, профессор Т.Умаровнинг «Фуқаро ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш: муаммо ва ечимлар» каби маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Хусусан, концепцияни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш олимларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда қонунларни тайёрлаш ва улар муҳокамасида иштирок этиш, мамлакат олдида турган вазифаларни бажариш борасида интеллектуал кучларни бирлаштириш, эртанги кун эгалари орасида ҳуқуқий таълим ва тарғиботни тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга ошириш сингари долзарб масалаларга алоҳида урғу берилди.

Шундан сўнг, шўъбаларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан муҳокама давом эттирилди.

Анжуман сўнгида резолюция қабул қилиниб, ёшлар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

— Илмий-амалий конференцияда концепциянинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилди, — дейди Ёш олимлар кенгаши илмий котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент Г.Тиллаева. — Зеро, у янги кашфиётлар, инновацион ғоялар, қолаверса, бу ғояларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ўз вақтида яратилган концепциядир.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

Тадбир

***Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Тошкент вилояти руҳий аномал болалар уйида байрам эрталиги ҳамда расмлар кимошди савдоси бўлиб ўтди.***

# Меҳр-оқибат бор бўлсин!

Унда туман ҳокимлиги, ЎзКУФК масъул ходимлари, «Аёллар кенгаши» РЖБнинг вилоят бўлими аъзолари иштирок этди.

Иштирокчилар тарбияланувчилар билан яқиндан танишиб, уларнинг байрам эрталикларидан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, тадбирда расмлар кўргазмаси ҳамда кимошди савдоси ташкил этилди. Ундан тушган маблағ Болалар уйининг моддий техника базасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Шу ўринда вилоят руҳий аномал болалар уйи ҳақида тўхталиб ўтсак. 100 ўринли болалар уйида 7 кунликдан 7 ёшгача бўлган етим, қаровсиз, туғма мажруҳ, ақлан ва жисмонан заиф гўдаклар тарбияланади. Бу ерда комплекс даволаш-соғломлаштириш профилактикаси амалга оширилади.

Тадбирда ЎзКУФК томонидан тарбияланувчиларга иссиқ кийим-бош ҳамда хўжалик моллари тақдим этилди. Бундан ташқари, «Аёллар кенгаши» РЖБ ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан болаларга эсдалик совғалари улашилди.

***

Шунингдек, Тошкент вилояти онкологик диспансерига ҳам ЎзКУФК масъул ходимлари томонидан кўрпа-тўшак ҳамда совғалар тақдим этилди.

**Нарзулла МАХАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Инсон манфаатлари — устувор

**Конституциямизда инсон манфаатларига кенг ўрин берилиб, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя этилиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилган.**

Чилонзор тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан 162-мактабда ўтказилган «Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати» мавзусидаги анжуманда шу ҳақда фикр юритилди. Унда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳуқуқшуноси Дилбар Муҳамедалиева «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари П.Свешников ва Р.Каримов Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳақидаги маърузасида белгиланган мақсад ва вазифалар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева «Меҳнат муносабатларининг субъектлари-меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш асослари», туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова «Конституцияда оила ва аёл ҳуқуқлари» мавзуларида маъруза қилишди.

Қонун устуворлиги, юртимиздаги узоқ муддатли стратегик ўзгаришлар тараққиётимизнинг ўзбек модели, оилада тўғри тарбияни йўлга қўйиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва бошқа мавзулар бўйича қизғин мулоқот бўлиб ўтди.

Ўқувчилар томонидан тақдим этилган концерт дастури анжуманга файз бағишлади.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Таълим ривожи йўлида

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Халқаро таълим ташкилоти билан кўп йиллардан буён йўлга қўйиб келаётган яқин ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда.***

Яқинда Марказий кенгаш ва ХТТнинг Марказий Осиё консорциуми томонидан Фарғона ва Гулистон шаҳарларида тармоқ тасаррufидаги туман, шаҳар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари учун «Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари роли» мавзусида ҳудудий семинарлар ташкил этилганди. Шу йилнинг 4-6 декабр кунлари эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тармоқ касаба уюшмаси тизими вакиллари ҳамда Марказий кенгаш аппарати ходимлари иштирокида «Миллий режалаштириш» мавзусида якуний семинар тадбирлари ўтказилди. ЎзКУФК ўқув марказида бўлиб ўтган машғулотлар жараёнида 34 нафар касаба уюшма фаоли ХТТнинг Осиё-Тинч океани минтақаси бош координатори Алойсиус Метииус ва координаторлар Рей Долот, Жероме Фернандезнинг касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш борасидаги маърузаларини тинглаш ва улар билан тўғридан-тўғри фикр алмашиш, ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлаш имконига эга бўлишди.

Дастлаб касаба уюшмаси фаолиятини режалаштириш ва баҳолаш бўйича семинар мақсадлари белгилаб олиниб, 2008 йилда ўтказилган семинарда 2009-2010 йиллар учун ишлаб чиқилган режаларни қайта кўриб чиқиш, таълим ривожланиши ва касаба уюшмаларининг роли, 2011-2012 йилларга мўлжалланган режани тасдиқлаш, семинар ташкил этиш структураси каби масалаларга эътибор қаратилди.

Машғулотларни қизиқарли ва жонли ташкил этиш мақсадида турли усуллардан фойдаланилди. Ҳар бир иштирокчи мулоҳазаси, таклиф ва муносабатини эркин тарзда билдириб борди. Семинарни ўтказиш бўйича улар томонидан киритилган таклифлар кенг кўламли масалаларни қамраб олиши билан аҳамият касб этди.

Иштирокчилар ҳудудий семинарлардан олган таассуротлари билан ҳам ўртоқлашиб, уларда эришилган ютуқлар ҳақида атрофлича фикр билдиришди.

**Шоҳиста Турғунова, Наманган вилояти:**

— Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган семинарда ХТТ фаолияти билан танишиш билан бирга касаба уюшмаси ишини ташкил қилиш борасидаги маърузалар менда катта таассурот қолдирди. Касаба уюшмаси лидери ҳам ташкилотчи, ҳам бажарувчи, ҳам назоратчи бўлиши лозимлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Семинар фаолиятимда ёрдам беради, деган умиддаман.

**Ҳайдарали Шаҳобиддинов, Андижон вилояти:**

— Ҳудудий семинар доирасида жаноб Жероме Фернандез ўтказган тренинг машғулотларида қатнашиб, вазиятни тўғри баҳолай олиш, кўпчилик фикрини ўрганиш, ташкилотчилик ва етакчилик бўйича кўп маълумотлар олдим. Ушбу жиҳатларни ўз фаолиятимда қўллаш орқали касаба уюшма етакчилари ўртасида кенг ёйиш ниятидаман.

**Гулзира Тўйчибекова, Наманган вилояти:**

— Ёш касаба уюшма етакчиси сифатида ҳудудий семинарда ўзимни қизиқтирган кўплаб масалаларга жавоб олдим. Ҳуқуқшунос бўлганлигим учун ХТТнинг ижтимоий ҳимоя борасидаги ишлари жиддий қизиқиш уйғотди.

Машғулотлар давомида Марказий кенгаш раиси Н.Акбаров ва тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашлари раҳбарларининг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги ўзига хос тажрибалар ҳақидаги маърузалари тингланди.

Ўз навбатида, халқаро ташкилот вакиллари ҳам мамлакатимиз таълим тизимига юқори баҳо бериб, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Осиёдаги энг катта касаба уюшма ташкилоти ҳисобланишини таъкидлашди. Мисол учун, Қозоғистонда тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сони 800 минг нафарни ташкил этса, Қирғизистон ва Тожикистонда бу кўрсаткич 200 минг нафардан ошмайди.

**Халқаро семинар**



Координаторларнинг касаба уюшмаси фаолиятини режалаштириш ва баҳолаш бўйича тавсиялари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Рей Долот бу борадаги фикрларини баён қилар экан, ҳар бир режа SMART бўлиши кераклигига урғу берди. Ушбу тушунча аниқ, ўлчамли, эришиладиган, натижага асосланган, вақт билан ўлчанган каби маъноларни ўзида жамлайди.

— Бирор масалани ечиш мақсадида шериклар билан музокара олиб борганда касаба уюшмаси етакчисида етарли далил, асос бўлиши талаб этилади, — деди Р.Долот. — Шериклар томонидан кўрсатилган важ-баҳона асоссизлигини исботлаб беролмасангиз, касаба уюшмасининг заифлиги кўзга ташланиб қолади.

Касаба уюшмаси фаолиятини баҳолашда «SWOT анализи» самарали усул ҳисобланади. У ички ва ташқи қисмдан иборат. «SWOT» атамаси кучи, заифлиги, имконияти, таҳдид (салбий омил) сўзларининг қисқартмасидан ташкил топган. Ички ва ташқи жиҳатларни ажрата олмаслик қатор чалкашлик ва қийинчиликларга олиб келади. S (куч) ва W (заифлик) ички анализни ташкил этса, O (имконият) ва T (таҳдид) ташқи анализни кўзда тутади. Касаба уюшмаси олиб бораётган ишлардан унинг кучи нимада, заифлиги нимада эканлигини билиб оламиз. Мисол учун, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг кучи аъзолар сонининг кўплиги, структураси, малакали касаба уюшма ходимлари билан белгиланади. Касаба уюшмасига бўлган ҳурмат ва ишонч ташкилотга куч бағишлайди. Заифлиги эса бошланғич ташкилот етакчиларининг билим ва малакаси етишмаслигида кўринади. Шунингдек, режадаги барча тадбирларни тўла амалга оширишда молиявий имконият етарли бўлмаслиги ҳам заифлик ҳисобланади.

Ташқи анализ деганда, касаба уюшма ташкилотларидан ташқарида олиб борилаётган фаолият тушунилади. Таълим тизимининг хусусийлашиши ва бошқа омилларни бунга киритиш мумкин. Глобаллашув ва бозор иқтисодиёти таъсирида касаба уюшмасига бу масалалар муаммо туғдириши мумкин. Мисол учун, хусусий таълим муассасаси эгаси 1000 нафар касаба уюшма аъзосини ишдан бўшатиб юборса, ўз-ўзидан уюшмага бадал тушмайди. Бу бевосита касаба уюшмаси фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Алтернатив, яъни сохта касаба уюшмалари ҳам ҳақиқий касаба уюшмаси фаолияти учун салбий таъсирга эга. Сохта касаба уюшмаларининг мақсади ўқитувчиларнинг пулини йиғиб олиш, ҳақиқий касаба уюшмаси сафидаги аъзоларни алдаб ўзларининг сафига чақириб, фойда олишдан иборат. Қўшни давлатларда ана шундай ташкилотлар пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Умид қиламизки, Ўзбекистонда бундай касаба уюшмалари пайдо бўлмайди.

SWOT анализида адашиб кетмаслик, ички ва ташқи анализларни чалкаштирмаслик муҳим. Ички анализ касаба уюшмаси томонидан бирор-бир қарор қабул қилинганлиги билан ифодаланса, бошқа ташкилот ёки тадбиркор, партиялар томонидан қарор қабул қилиниши ташқи анализни назарда тутади. У ижобий таъсир кўрсатса — ижобий, салбий таъсир кўрсатса — салбий баҳоланади. SWOT анализини тузишда тезкор ва ҳаққоний бўлиш талаб этилади.

Семинарнинг сўнгги босқичида иштирокчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда 2011-2012 йиллар учун режалар тузиб, уларда ушбу даврда амалга оширилиши муҳим бўлган масалаларни акс эттиришга ҳаракат қилишди. Кейин ҳар бир гуруҳ вакили ишлаб чиқилган режадаги вазифаларни асослаб беришди. Улардаги афзал жиҳатлар умумлаштирилган ҳолда келгуси йиллар учун мўлжалланган режа тасдиқланди.

Якуний семинарнинг ютуқлари, унда мақсадга қай даражада эришилганлиги ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида хорижлик ҳамкорларга юзландик.

**Алойсиус Метииус, ХТТнинг Осиё-Тинч океани минтақаси бош координатори:**

— Миллий режалаштириш бўйича ўтказилган ушбу йиғилиш яхши ташкил этилган, деб бемалол айтиш мумкин. Аввало, бу унда қатнашиши лозим бўлган барча касаба уюшмаси фаолларининг иштирок этганлигида кўринди. Шунингдек, иштирокчиларнинг аввалги йиғилишлардагига нисбатан фаоллиги ошганлиги кўзга ташланди.

Қисқача айтганда, якуний йиғилиш охирги семинарларни баҳолаш, келгуси режаларни тузиб олиш, ўтказилган семинарларнинг касаба уюшмасига нечоғли фойдаси бўлганлигини аниқлашга хизмат қилди.

**Рей Долот, координатор:**

— Ушбу йиғилишда 2008 йилда Миллий режалаштириш бўйича ўтказилган семинарда ишлаб чиқилган режани тўлдирдик. Иштирокчиларнинг таклифлари замон талабига мос эканлиги билан аҳамиятли бўлди. Ушбу муваффақиятда олдинги йилларда ўтказган базавий семинарларимиз натижаси ўз аксини топди, деб ўйлайман.

**Жероме Фернандез, координатор:**

— Иштирокчилар билан музокаралар олиб борганимизда, Ўзбекистонда таълим тизимига эътибор юқори даражада эканлиги, ўқув муассасаларининг материал базасига бойлиги ва давлат томонидан соҳага катта маблағ ажратилишини билиб олдим. Буни тан олмаслик мумкин эмас.

Тадбир якунида иштирокчиларга ХТТнинг сертификатлари топширилди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган сурат**



Ishonch
2010-yil 8-dekabr № 144-145 (2870)

# Адолат ва демократия ютуғи

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мустақиллик йилларида озод ва эркин она юртимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда мисли кўрилмаган буюк ўзгаришлар рўй берди, ички ва ташқи сиёсатимиз барқарорлашди, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг демократик тизими шаклланди. Ҳуқуқий-демократик давлат тузилиши — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари ваколатларини Конституцияга мувофиқ йўналтириш тамойили изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қонун ва инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи суд ва ҳуқуқ-тартибот тизимларини қатъий ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштириш ҳаракатларининг натижалари анча қувончлидир. Мустақил давлатимизда биринчи марта Конституция асосида ҳуқуқий демократик жамият асослари шакллантирилиб, кўппартиявийликка, ғоялар, қарашлар, фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очилди.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жамиятда осойишталик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бу Конституция ғоялари инъом этган демократик имкониятлардир.

Ўзини-ўзи бошқариш тамойили, кўппартиявийлик, маҳалла ёки оммавий ахборот воситалари фаолиятини етакчи ҳаракат даражасига кўтариш, уларни демократиянинг негизи деб билиш — Президентимиз маърузалари ва барча асарларининг муҳим масаласи саналади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқларида (2010 йил 27 январ) ҳам Юртбошимиз бу масалани яна бир бор уқтириб ўтди:

***«Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур. Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда».***

Конституциямиз энг аввало мана шундай жамиятни демократлаштириш жараёнларининг қонуний асосларини яратиш ва бунга кенг йўл очиб беришнинг қонуний кафолатини берувчи адолатли ҳужжатдир.

Мустақил Ватанимиз Конституцияси Асосий Қонун сифатида мамлакатимизда қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва бу соҳада шубҳасиз изланиш, фикрлаш, ижод қилишга имконият яратиб беради. Собиқ Иттифоқ замонида «марказда» қабул қилинган қонунлар Ўзбекистонда ҳам ҳеч қандай ўзгаришларсиз жорий қилинар ёки биз шунга мажбур эдик. Бундай қонунларда халқимизнинг маънавияти, ҳаёт тарзи, миллий урф-одатлари ва анъаналари назар-писанд қилинмасди. Коммафкура маҳаллий қонунчиликнинг ҳар қандай ташаббусларини, миллий истакларини чеклар, мустақил қонунчилик фаолиятини амалга оширишга қатъиян йўл қўйилмасди. Демократик тамойилларга асосланган Конституциямиз халқнинг маънавий қадриятлари, гўзал ахлоқи, урф-одатлари кафолати, уларни ривожлантириш посбони, балки, ҳуқуқий кафолати сифатида характерлидир. Юртбошимиз «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» асарида масаланинг бу жиҳатларини янада батафсил ва аниқ қилиб ифодалаб берган: ***«Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган».***

Конституцияда уқтирилганидек, халқимизнинг бош мақсади адолатли, эркин фуқаролик жамияти етакчилик қиладиган чинакам демократик давлат қуришдан иборат. Албатта, бундай улуғвор мақсадни амалга оширишда тўсиқлар, муаммолар, машаққатлар оз-мунча эмас. Аммо ҳуқуқий-демократик давлат қуриш қароримиз қатъий ва эзгу мақсад эканлиги боис бу йўлдан оғишмай шаҳдам бораётганлигимиз дунё ҳамжамиятининг ҳам эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда. Ҳуқуқий-демократик давлатни бунёд этишнинг муҳим жиҳати – бу аввало, шу юрт фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Конституциянинг VII боби «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланганлиги ҳам бежиз эмас. Тўғри, шўро ҳукумати конституциясида ҳам инсон ҳуқуқлари кафолатланганлиги ҳақида дабдабали сатрлар, баландпарвоз ваъдалар ифодаланган эди. Аммо бундай сўзлар худди мустабид тузумнинг айтгани, ваъдаси билан қилгани ўртасида жиддий фарқ бўлганидек, унинг конституцияси ва қарор-фармонлари мазмуни ҳам шундай иккиюзлама моҳиятга эга эди. Акс ҳолда, XX асрнинг 30-, 50-, 80-йилларидаги машъум қатағонларда миллионлаб бегуноҳ кишилар аёвсиз жазога гирифтор қилинмас эди.

Мустақил давлатимиз Конституциясининг 25-моддасида айтилганидек:

«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас».

26-моддасидаги талқинларда инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ғоятда аниқ ва батафсил тарзда ўз ифодасини топган:

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниш, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас».

Мазкур адолат нури билан йўғрилган сатрларда асли Оллоҳ томонидан эркин ва ҳуқуқи дахлсиз қилиб яратилган инсоннинг бу ёруғ оламдаги ҳуқуқларининг ҳимояси, бу ҳимоянинг Давлат зиммасида эканлиги батафсил ва аниқ кўрсатиб берилган.

Биз бугун юксак ифтихор билан мустақил Ватанимиз узра адолат ва демократия туғи мисоли қад кериб турган Конституциямизнинг инсонпарварлик қонун-қоидаларининг истиқлолимиз ва сиёсатимизнинг энг устувор масаласи бўлиб келаётганлигини жаҳон ҳамжамияти олдида мамнуният билан айта оламиз.

Ҳуқуқий-демократик давлатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва эркинликлар тўла эътироф этилишини алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқ-тартибот тизими инсонпарварлик қонунлари нуқтаи назаридан кескин ислоҳ қилинди. Инсонни, давлат ва жамият асосларини, фикр-тафаккур ва изланиш, ҳаракат-фаолият эркинлигини тўла кафолатлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилди – бу инсоний ҳуқуқларни ҳимоялашнинг муҳим кафолати саналади. Республикамизда жиноятларнинг тавсифланиши жиддий ўзгартирилди, натижада оғир жиноятлар сирасига мансуб хатти-ҳаракатлар рўйхати анча-мунча қисқартирилди. Суд қарорлари устидан назорат, жамоатчилик муносабати кучайтирилиб, суд ишларини апелляцион ва кассацион кўриб чиқиш институтлари, алоҳида ярашув институти вужудга келтирилди. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши – адолат ва инсонпарварлик яловини кўтарган Президент И.А.Каримов бошида турган ҳуқуқий-демократик давлат тизимининг муҳим қадами эканлиги дунёда эътироф этилди. Шу билан бирга, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилиши, судларнинг жазоловчи органдан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи нажотбахш тизимга айлантирилиши, аниқ мақсадлар асосида ихтисослаштирилиши демократик ислоҳотларнинг жиддий ютуқларидир. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда Конституция моддаларига асосланган ҳолда ҳеч кимнинг суд қарорисиз ҳибсга олиниши, қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги масаласи янада мустаҳкамланди. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасига, «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 9-моддасида қайд қилинган «Ҳар қандай ушланган ёки қамалган шахс белгиланган муддат ичида судга келтирилиши ва қамалишнинг асосли экани суд томонидан текширилиши кераклиги» тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларга мос келади.

Миллий хавфсизлик ва ҳарбий тизимнинг тамоман янгидан жорий этилиши мамлакатда тинчлик, осойишталик, барқарорликни таъминлашга қаратилган хавфсизлик тизимининг вужудга келтирилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги бир қатор қонунларда ҳам тўла-тўкис ўз талқинларини топган. Шунингдек, Парламентнинг Омбудсман хизмати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ каби ташкилотлар иши ҳам инсон ҳуқуқлари раҳнамоси каби муҳим фаолиятга чоғланган.

Мустақил юртимиз фуқароларининг эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган ва кафолатланган бўлишига қарамасдан, ҳали ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаслик, ўз ўрнида уни ҳимоя қила олмаслик ҳоллари учраб туради. Шу боисдирки, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, унинг оптимал ва таъсирчан шаклларини топишга даъват ва талаб Юртбошимиз асарлари мазмунининг муҳим жиҳатини белгилайди. Бу масала Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 12 ноябр) маърузаларида ҳам таъкидланди:

***«Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда».***

Унутмайликки, мустақил Ватанимиз узра барча ҳуқуқларимиз ва бахт-саодатимиз кафолати бўлган инсонпарвар Конституциямиз — адолат ва демократия, раҳм-шафқат ва ғамхўрлик туғи мардона қад ростлаб турибди.

**Абдуғаффор ХОН,**
**адабиётшунос олим**



# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

**Мамлакатимиз фуқароларини 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан қизғин табриклайди. Кутлуғ айёмда ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, ишларига муваффақиятлар тилайди. Юртдошларимизни бошқарма тасарруфидаги шифобахш, табиий иқлими гўзал, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга, замонавий жиҳозланган санаторийларимизда даволаниш ва дам олишга таклиф қиламиз!**



Бошқарма тизимида 16 та санаторий мавжуд. Замон талаблари бўйича янада қулай шароитлар яратиш мақсадида жаҳон андозалари мезонига мос келадиган оилавий ва «люкс» хоналар, котежлар ташкил этилди. Шу билан бирга, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қисқа муддатли йўлланмалар (курсовкалар), кундузги қатнаб даволаниш хоналари ташкил қилинди.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг 4 та янги санаторий қуриб ишга туширилди ва 10 та санаторийнинг биноси капитал, 5 таси эса қайта таъмирланди. Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли, Хоразм вилоятида 110 ўринли «Хонқа» санаторийлари қурилди, шунингдек, Тошкент вилоятида «Умид гулшани» санаторийси фойдаланишга топширилди.

Курортлар бошқармасига қарашли барча санаторийларда замон талабига жавоб берадиган физиотерапевтик даволаш усулларини ва даволаш бадантарбиясини кенг қўллашга мўлжалланган даволаш-ташхислаш базаси, функционал-ташхис хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, УЗИ, рентген хоналар ва бошқа қулайликлар мавжуд.

Сўнгги йилларда санаторийларнинг 80 фоизи УТТ (уль-



тратовуш) ва 70 фоизи компютерли ЭКГ-ташхис қўйиш аппаратлари, 60 фоизи лазер нурларига оид даволаш анжомлари ҳамда бир нечта санаторийлар янги гастрофиброскоп ва ичакларни ювиш ва бошқа ноёб зарур тиббий аппаратуралар билан таъминланди. Психо-, рефлексо-, магнито-, лазертерапия, инфра-қизил нурлари терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинган. Натижада, даволаш самарадорлиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Республикамизда минерал сувларнинг барча шифобахш хусусиятини ўзида мужассамлаштирган бой гидроминерал ресурслар аниқланган. Чунончи, «Чимён санаторийси» МЧЖдаги аҳоли саломатлигини тиклаш мақсадида қўлланилаётган сероводородли минерал сув ўзининг шифобахшлиги борасида Сочи курортида «Мацеста» билан бемалол беллаша олади. «Чортоқ санаторийи» ОАЖ ва «Ҳонқа санаторийси» МЧЖлари минерал сувида эса йод ва бром миқдори юқори бўлган сув, «Чинобод», «Турон» ОАЖ ҳамда «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Мохи Хоса», «Қашқадарё соҳили» ва «Косонсой санаторий» МЧЖларида «Саки», «Евпатория» курортларининг сувидан қолишмайдиган хлорид-гидрокарбонат натрийли маъданли сувлар топилган. Булар ошқозон-ичак тизими касалликларини даволашда ўз самарасини бермоқда. «Абу Али Ибн Сино санаторийси» МЧЖ ҳудудидаги «Пятигорск» санаторийси каби радонли сув борлиги аниқланган.

Парафин-озокеритни қўллаб, иссиқ билан даволаш суяклар, бўғимлар, мускуллар, асаб тизими, овқат ҳазм қилиш органлари ва гинекологик касалликларни комплекс даволашнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Санаторийларда дам олувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва маданий ҳордиқ чиқаришларига катта аҳамият берилади. Улар учун маданият саройлари, клублар, кутубхоналар, спорт майдончалари, чойхоналар, сауна хизмат кўрсатмоқда. Концертлар, ижодкорлар билан учрашув-



лар, зиёратгоҳларига саёҳатлар уюштирилади.

Халқимизнинг даволанишга бўлган талаб ва истакларини ҳамда санаторийлардаги мавжуд шифобахш омилларни ҳисобга олган ҳолда барча санаторийларимиз турли йўналишдаги касалликларни даволашга ихтисослаштирилган. 16 та санаторийдан 10 таси кўп ихтисосли бўлиб, уларда юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб ва ҳаракат-таянч тизими, ва ички секреция безлари касалликлари билан оғриган беморлар даволанишади. «Турон» санаторийси юрак-қон томир касалликларини даволашга ихтисослашган. Шу билан бир қаторда, бу санаторийда асаб тизими, андрология ва гинекологик касалликлар даволанади. «Чинобод» санаторийси асосан овқат-ҳазм қилиш аъзолари касалликларига ихтисослашган, шу билан бирга эндокринология, гинекология, асаб тизими касалликлари ҳам даволанади.

«Зомин» ва «Оқтош» санаторийлари тоғ ёнбағрида жойлашган бўлиб, соф тоғ ҳавоси асосида нафас олиш аъзоларини даволашга ихтисослаштирилган. Аёлларимизга оналик қувончини бахш этиш мақсадида, аёл ва эркак бепуштлигини муваффақиятли даволаш учун гинекологик ва андрологик касалликларни даволашга ихтисослашган «Умид гулшани» санаторийси ташкил қилинган. Бухородаги «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси эса буйрак, сийдик йўллари касалликларини даволашга мўлжалланган.



# Касбий маҳорат

***Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти вакиллиги томонидан Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган «Ҳамшира — 2010» кўрик-танлови ўтказилди.***

Тармоқ тизимидаги тиббий муассаса ва Муруввaт уйларида хизмат қилаётган 30 ёшгача бўлган ҳамшираларнинг касб маҳорати ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилган танловда иштирокчилар 5 та шарт бўйича ўзаро куч синашдилар.

Танловда вилоят ички ишлар бошқармаси шифохонаси ҳамшираси З.Ядгарова, Қоракўл туман эркаклар Мурувват уйи фелдшери М.Инатуллаев, тиббий бўлим ҳамшираси Д.Исломова, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳарбий лазарети ҳамшираси Н.Раҳмонова ва Бухоро шаҳар болалар Мурувват уйи ҳамшираси М.Саидова фахрли ўринларни эгалладилар.

Иштирокчиларга тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши вилоят вакиллигининг эсдалик совғалари топширилди.

**Б.САИДОВ,**
**Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги ташкилий ишлар бўлими мудири**

# «Қомусимиз — бахтимиз»

*Тошкент солиқ коллежи ташаббуси билан Республика юристлар малакасини ошириш марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишлаб «Қомусимиз — бахтимиз» мавзуида и конференция бўлиб ўтди.*



**Анжуманда тажрибали ҳуқуқшунослар, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди. Юридик фанлари номзоди Комилжон Исмоилов мамлакатимиз Конституциясининг ятратилиши, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида қатнашчиларга батафсил маълумот бериб ўтди. Қизиқарли мулоқот тарзида ўтган тадбирда бўлғуси солиқчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олищди.**

Кўрик-танлов

# Ҳуқуқий билим

## мустаҳкам таянчимиз бўлсин

***Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да Адлия вазирлиги ташаббуси билан Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган «Ёш ҳуқуқшунослар» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

Унда республикамиздаги ҳуқуқ фанига ихтисослашган 7 та юридик коллеж ва битта академик лицей жамоаси учта шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

Танловда ёшлар Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва қонунчилигимизга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар, шу жумладан, сайлов, оила, жиноят қонунчилиги, Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар борасидаги билимларини синовдан ўтказди.

Қатнашчилар танлов шартлари бўйича сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини саҳна кўринишларида акс эттирди. Шунингдек, улар Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган махсус саволларга жавоб бериб, юриспруденция соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлади ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш юзасидан таклиф ва тавсияларини кўргазмали ҳамда саҳнавий кўринишда намойиш этишди.

Танлов натижаларига кўра, Наманганнинг «Адолат» жамоаси олий, Самарқанднинг «Девиантус» ҳамда Тошкент юридик коллежининг «Куч — адолатда» жамоалари биринчи, Бухоронинг «Баркамол авлод» ва 2-Тошкент юридик коллежининг «Ярғу» жамоалари иккинчи, Жиззахнинг «Консул» жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар Республика Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, уларга мазкур соҳада билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқий адабиётлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, энг фаол жамоа аъзолари ва ташкилотчиларга турли номинациялар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди.

Ғолиб жамоалар Адлия вазирлигининг бошқа тадбирларига ҳам жалб қилиниши кўрсатиб ўтилди.

— Мазкур кўрик-танловнинг мақсади мамлакатимиздаги лицей ҳамда коллеж ўқувчиларининг Конституциямизга бўлган ҳурматини янада ошириш ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган, — дейди Адлия вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи Тўрабек Тўраев. — Бундан ташқари, уларда эркин фикрлаш ва нутқ маданиятини ўстириш, кичик мутахассисликдаги юрист кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва албатта иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

Тадбирнинг ҳар томонлама сифатли ва қизиқарли ташкил этилгани унинг қамрови янада кенгайишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ш.АБДУСАМАДОВ**

# Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

**Бунёдкор халқимизни, барча касаба уюшма аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги билан самимий қутлайди. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик сизларни асло тарк этмасин.**



# Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмаси жамоаси



***Меҳнаткаш халқимизни Конституциямизнинг 18 йиллиги билан табриклайди. Миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган, бахтимиз асоси бўлган Конституция юртимизнинг янада ривожланишига хизмат қилсин.***









**Байрам муборак, азиз юртдошлар!**

